

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВА ДИЛОБАР МАХКАМОВНА

**ЖОРИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ, ТАҲЛИЛИ ВА АУДИТИНИ УСЛУБИЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри -2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Мавлянова Дилобар Махкамовна

Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жиҳатларини
такомиллаштириш.....3

Мавлянова Дилобар Махкамовна

Совершенствование методических аспектов учета, анализа и аудита текущих
активов.....27

Mavlyanova Dilobar Makhamovna

Improving methodical aspects of accounting, analysis and audit of current
assets.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАВЛЯНОВА ДИЛОБАР МАХКАМОВНА

**ЖОРИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ, ТАҲЛИЛИ ВА АУДИТИНИ УСЛУБИЙ
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри -2020 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt342 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Туйчиев Алишер Жўраевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳотамов Комил Раббимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барча алоҳида иқтисодиёт тармоқларини бирлаштирувчи асосий кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Жаҳон бўйича «ЯИМ 2019 йилда ўтган йилга нисбатан қарийб 2,9 фоизга ўсган»¹. ЯИМ таркибида саноат ишлаб чиқариш улуши катта бўлгани сабабли инвестицион, ҳамда, инновацион сиёсат айнан шу тармоққа қаратилган. Эътиборли жиҳати, жаҳонда энг йирик компаниялар жами активлар таркибида жорий активлар салмоғи 35-40 фоизни ташкил этган. Ривожланган мамлакатлар ўз айланма маблағларини фойдага таъсирини доимий равишда назорат қилиб, уларни юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили сифатида қарамоқда. Шу боис, жорий активлар ҳисобини юритиш, ҳисоботда акс эттириш, улар таҳлилин ташкилий-услубий жиҳатларини ривожлантириш ва аудити услубларини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш шароитида жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг ташкили-услубий жиҳатларини ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда жорий активларни таснифлаш, уларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, фойдаланувчилар учун ахборот имкониятларини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланишда таҳлил қилиш услубиёти, ҳамда, аудитни амалий–услубий масалаларни ривожлантириш муаммолари ва жорий активларни ҳисобга олиш хусусиятлари афзалликларини белгилаб берилган. Бироқ, жаҳонда жорий активларнинг турлича талқини, уларни ҳисобда акс эттириш турли даражада бўлганлиги, таҳлил қилиш ва аудитини услубий жиҳатларини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарнинг жами активлар таркибида жорий активлар салмоғи 85-92 фоизни ташкил этиши, тармоқда барқарор иқтисодий ҳолатини сақлаб қолишга эътибор бериш муҳим аҳамиятга эгаллигини тақозо этмоқда. «Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида 2019 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 107,5 фоиз, истеъмол товарлари ҳажми эса 110, 2 фоизга ошган».² Шу боис, ишлаб чиқариш корхоналари жорий активлар ҳаракатчанлиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ҳисобини ташкил этиш, таҳлили ва аудитининг услубий асосларини яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномада «Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоиздан 37 фоизга ортиши кутилмоқда. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш

¹ <https://www.world industrial production 2019>.

² [https://www.uzdon.uz, \(openinfo.uz\)](https://www.uzdon.uz, (openinfo.uz))

бўйича ўрта ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқиш»³ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда жорий активлар ҳисобини халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, назорат ва таҳлилнинг услуобиётини ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 24 февралдаги ПК-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектлар жорий активларининг ҳисоби, таҳлили ва аудитининг илмий-услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлардан Э.С.Хендриксен, М.Ф.Ван Бреда, Р.Энтони, Дж.Рис, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, Ф.Обербрикманн, А.Д.Шеремет, И.Л.Бреславцева, В.Б.Ивашкевич, В.В.Ковалев, М.И.Кутер, М.В.Мельник, Я.В.Соколов⁴ ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.А.Каримов, Ж.Э.Курбанбаев, С.А.Жуманазаров, О.А.Машарипов, Ш.И.Илхомов, Р.Д. Дусмуратов, А.Ж.Туйчиев, М.М.Тулаходжаева, А.З.Авлоқулов, Р.О.Холбеков, Н.Р.Рахмонов, У.А.Нурманов⁵ ва бошқаларнинг асарларида жорий активлар

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь куни мамлакатимиз Парламентига Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 28 январь.

⁴ Хендриксен Э.С., Ван Бреда М.Ф. Теория бухгалтерского учета. //Пер.с англ. -М.: Финансы и статистика, 2000. -576 с.; Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуации и примеры: //Пер. с англ./Под ред. и предисл. А.М.Петрачкова. - М.: Финансы и статистика 1993. - 560 с.; Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. -//М.: Финансы и статистика, 2004. - 496 с.; Обербринкманн Ф. Современное понимание бухгалтерского баланса.// Пер. с нем. -М.: Финансы и статистика, 2003. – 279 с. Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. Экономический портал Источник: [https:// instituciones.com](https://instituciones.com). 2011. – 352с.; Бреславцева Н.А., Михайлова Н.В., Гончаренко О.Н. Бухгалтерский учет // Учебник. Ростов н/Д: Феликс, 2012, 318 с.; Ивашкевич В.Б. Учет и анализ дебиторской и кредиторской задолженности.- //М.: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2003 .-192 с. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры.// М.: Финансы и статистика, 2001, 560 с.; Кутер М.И. Введение в бухгалтерский учет// Учебник. – Краснодар: Просвещение-ЮГ, 2013. – 512 с.; Мельник М.В., Пантелеев А.С., Звездин А.Л. Ревизия и контроль: Учебное пособие //Под ред. проф. М.В. Мельник. - // М.:ИД ФБК- ПРЕСС, 2003. -520 с.; Соколов Я.В. Бухгалтерское дело: учебник // М.: Высшее образование, 2008.- 328 с.

⁵Karimov A.A., Kurbanbayev J.E., Jumanazarov S.A. Buxgalteriya hisobi. Darslik //-Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. 624 б.; Masharipov O., Pihomov Sh. Amaliy audit: o‘quv qo‘llanma. – Т.: Cho‘lpon nomidagi NMIU, 2014. 363 б.; Дусмуратов Р.Д., Менглиқулов Б.Ю. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва статистика асослари. – Т.: «Фан ва технология», 2014. – 392 б.; Туйчиев А.Ж. va boshqalar, Audit. Darslik. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019.- 416 б. Тулаходжаева М.М. Организация и методы финансового контроля Республике Узбекистан: Автореф. Док.

ҳисоби, таҳлили ва аудитининг назарий ва ташкилий-услугий жиҳатлари ўрганилган.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида «жорий активлар» тушунчаси атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин «даргумон қарзлар бўйича резерв» шакллантириш, «қисқа муддатли молиявий инвестициялар», «жорий активларни комплекс таҳлил қилиш» тушунчалари, жорий активларнинг активлардаги ўрни, уларнинг нисбати каби муҳим жиҳатлар тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, жорий активларни баҳолаш, ҳисоби ва аудити масалалари ишлаб чиқариш корхоналари мисолида тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг ташкилий-услугий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

жорий активлар ҳисобининг моҳиятини батафсил очиб бериш, ташкилий–услугий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

дебиторлик қарзлари ҳисобининг услубий жиҳатларини ривожлантириш, ҳамда даргумон қарзлар бўйича резерв шакллантириш тартибини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

жорий активларни таҳлилий баҳолашни шакллантиришда меъёрлаштириш элементларини жорий қилишни асослаш;

жорий активлар, жумладан пул маблағлари, молиявий қўйилмалар ва дебиторлик қарзлари аудити маълумот базасининг моделини шакллантириш;

хорижий тажриба хусусиятларини инобатга олган ҳолда жорий активлар аудитининг услубий жиҳатларини ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарнинг жорий активлар ҳисоби олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналарида жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудити билан боғлиқ назарий-услугий масалалар мажмуи ҳисобланади.

Дисс.-М.: МГУ., 1998. 21с.; Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. // Док.дисс. Автореферат. Т.: 2019 й. 72 б., Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубиёти.// Автореферат. Т.: 2006 й. 40 б., Рахмонов Р.Н. Товар – моддий захиралар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. // Автореферат. Т.: 2010 й. 24 б., Нурманов У.А. Жорий активлар ҳисоби ва таҳлилинини такомиллаштириш. // Автореферат. Т.: 2012 й. 26 б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

даргумон қарзларнинг муддатига мутаносиб фоизлар бўйича резерв шакллантириш асосида молиявий ҳисобот шаффофлиги ва аниқлигини таъминлаш асосланган;

жорий активларнинг товар моддий захиралари, суғурта захираси, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари элементларини меъёрлаштириш орқали таҳлилий баҳолашни шакллантириш таклиф қилинган;

фойдани максималлаштириш учун жорий активлар миқдорини белгилаш ва фойдаланиш самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган;

жорий активлар аудитини ўтказиш модели ишлаб чиқилган, ҳамда аудитнинг омилли таҳлилга асосланган босқичи тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корхона ҳисоб сиёсатининг ишчи счетлар режаси учун «Қисқа муддатли инвестициялар» счёти бўйича кўшимча счётлари ишлаб чиқилган;

даргумон қарзлар бўйича резерв шакллантиришда харидор ва буюртмачилар билан имзоланган шартномада тўлов муддатига мутаносиб равишда фоиз белгилаш тартиби ишлаб чиқилган;

жорий активларни самарали бошқариш, оптимал миқдорини аниқлаш, комплекс таҳлил қилиш бўйича амалий тавсиялар шакллантирилган;

хорижий тажрибаси асосида жорий активлар аудитини ўтказишда қўлланиладиган таҳлил кўрсаткичлари ва ахборот базалари шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик ишонччилик интервалада текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб берганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг назарий ва ташкилий–услубий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан корхона жорий активларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, жорий актив кўрсаткичларини шакллантиришда, уларни ҳисоботда ишончли акс эттиришда, бошқарув маълумотларини шакллантиришда жорий активлар таҳлили ва аудитини ўтказишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жорий активлар

ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

даргумон қарзларнинг муддатига мутаносиб фоизлар бўйича резерв шакллантириш асосида молиявий ҳисобот шаффофлиги ва аниқлигини таъминлаш бўйича таклифи «Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 10 июн 1-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўздонмахсулот» АКнинг 2020 йил 10 июндаги 14-1-23/191-975-сон маълумотномаси). Таклифни қўллаш натижасида даргумон қарзлар бўйича резерв шакллантириш тартиби жорий этилган. 2019 йил 1-чорақда резерв миқдори 225,0 млн. сўмни ташкил этган, ўтган ҳисобот йилининг шу даврига нисбатан 13,7 фоиз камайишига эришилган. Бошқа операцион даромадлар сифатида 80,1 млн. сўм даргумон қарзлар бўйича резерв қопланган, дебиторлик қарздорлиги миқдорида камайтирилган;

жорий активларнинг товар моддий захиралари, суғурта захираси, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари элементларини меъёрлаштириш орқали таҳлилий баҳолашни шакллантириш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АКнинг 2019 йил 30 январ 1-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2019 йил 31 январдаги 4/92-сон далолатномаси). Мазкур таклиф бўйича ишлаб чиқилган ҳисоб-китобни қўллаш орқали 2018 йилда 7,2 фоизга дебиторлик қарзлари суммасини камайтиришга эришилган. Дебиторлик қарзларининг ўртача қоплаш муддатидан келиб чиқиб, 2019 йил 1-чораги бўйича 2018 йилнинг шу даврига нисбатан ўртача қолдиғи 9,7 фоизга камайтиришга эришилган;

фойдани максималлаштириш учун жорий активлар миқдорини белгилаш ва фойдаланиш самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш методикасини ишлаб чиқиш бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АКни аудитдан ўтказиш жараёнида фойдаланилган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2019 йил 31 январдаги 4/92-сон далолатномаси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 25 октябрдаги 87/1–сон маълумотномаси). Мазкур таклиф корхонанинг молиявий аҳволига жорий активларнинг таъсирини аниқлаб берган ва улардан фойдаланиш самарадорлиги 25 фоизга ошган. Кўрсаткичларнинг омилли таҳлили амалга оширилган. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун сарфланган харажатлар (келишилган шартнома суммаси)ни 12 фоиз камайтиришга эришилган. Натижада, ишончсизлик ва таваккалчиликларни бартараф этиш орқали аудитор вақти 6 фоизга тежалган ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилган;

жорий активлар аудитини ўтказиш модели ишлаб чиқилган, ҳамда аудитнинг омилли таҳлилга асосланган босқичлари бўйича таклифи «Тошкентдонмахсулотлари» АКни аудитдан ўтказиш жараёнида фойдаланилган («Тошкентдонмахсулотлари» АЖнинг 2019 йил 31 январдаги 4/92-сон далолатномаси ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 25 октябрдаги 87/1–сон маълумотномаси). Жорий активлардан фойдаланиш самарадорлигини текширишда маълумотлар шаффофлиги 14,7 фоизга ошган. Айланма маблағларнинг индивидуал иш кўрсаткичлари динамикасини

кузатиш имконини берди. Бу натижага эришишда турли даражадаги масъул раҳбарларга талаб ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жорий активларнинг ҳисоби, таҳлили ва аудитининг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудити услубиётини ташкил этишнинг назарий асослари бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий ишлари ва ғоялари тадқиқ этилиб, уларнинг қарашлари ва ёндашувлари таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, хориж тажрибасини чуқур ўрганиш асосида донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини услубий жиҳатларини такомиллаштириш зарурати асосланган ва илмий-амалий жиҳатлари ёритилган.

Иқтисодчи олимлар ўз эътиборини айланма капитал, айланма маблағлар ва жорий активларнинг яхлит тушунча эканлигига эътибор қаратса, айримлари жорий активларнинг қийматини баҳолаш ва уларнинг бир айланиш циклида қатнашишига, бошқалари эса ушбу категориянинг иккита жиҳати - молиявий ва мулкий кўринишларига эътибор қаратган.

Жорий активлар бу ҳисоб (молиявий) йилида камида бир маротаба айланадиган корхонанинг жорий айланишда қатнашадиган мулкнинг қиймати, пул маблағлари ва ҳисоблашишдаги маблағларидир. Жорий активлар айланмадаги товар моддий бойликлар, ҳисоблашишдаги маблағлар, қисқа муддатли молиявий кўйилмалар ва пул маблағларини ўз ичига олади⁶. Бу активлар ўз табиатига кўра ҳаракатчан бўлиб, тўртта асосий элемент: моддий захиралар, дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли қарзлар ва пул маблағларидан ташкил топади.

Бизнинг фикримизча, **жорий активлар деганда ишлаб чиқариш ва муомала фондларини шакллантириш учун пул кўринишида аванслаштириладиган, доимо бир функционал шаклдан бошқа шакл кўринишига ўтадиган қиймат тушунилади.** Бу орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлиги таъминланади. Жорий активлар бу пул маблағлари кўринишидаги 12 ой ёки оддий операцион цикл мобайнида шу кўринишга келтирилиши мумкин бўлган активлардир. Операцион цикл деганда моддий бойликларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва товар (маҳсулот, хизмат)ларни сотишдан олинадиган тўлов муддати


⁶ Финансово-кредитный энциклопедический словарь / Колл. авторов; Под. общ. ред. А.Г. Грязновой. - М.: Финансы и статистика, 2002. - С. 24-25.

ўртасидаги ўртача вақт бирлиги тушунилади.

Жорий активлар билан боғлиқ хўжалик муомалаларни тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда жорий активларни туркумлашга мамлакатимиз ва хорижлик олимлар А.Н.Хорин, Е.М.Четыркин, И.А.Бланк, Н.П.Любушин, И.К.Очилов, Д.Х.Азларов, А.З.Авлоқулов, Ж.Э.Қурбонбоев, Н.В.Пошерстник, Н.А.Лытнева, Л.И.Малявкина, Т.В.Федорова⁷ларнинг ёндашувларини таҳлил қилиш асосида улар туркумланишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди.

Жорий активларнинг меъёрланадиган ва меъёрланмайдиган активларга ажратилиши юқорида таъкидлаганимиздек, режалаштиришга асосланган иқтисодиёт шароитида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат миқёсида хўжалик юритувчи субъектларнинг (тармоқ, иқлим) аниқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда айланма (жорий) маблағларнинг нормативларини ишлаб чиқиш амалиёти қўлланилмоқда.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз хусусиятларидан келиб чиқиб режалаштиришда меъёрланадиган ва меъёрланмайдиган жорий активлардан фойдаланишлари мумкин. Меъёрланадиган жорий активларга минимал захираларини аниқ ҳисоблаш мумкин бўлган, меъёрлаштирилмайдиган активларга уларнинг минимал миқдорини аниқ ҳисоблаш имкони бўлмаган жорий активлар киритилади (1-расм).



1-расм. Жорий активларни режалаштириш ва назорат даражаси бўйича таснифлаш⁸

Меъёрланадиган жорий активлар бўйича захиралар меъёри белгиланади, масалан, товар моддий захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, омбордаги ёки савдодаги товарлар захираси, кассадаги пул маблағлари меъёри ва бошқалар.

⁷ Хорин А.Н. Анализ оборотного капитала // Бухгалтерский учет. - 1994. - № 1-7. Четыркин Е.М. Финансовая математика. - М.: 2005. - 376 с. Бланк И.А. Управление использованием капитала. - Киев: «Ника- центр»: «Эльга», 2000. - 650 с. Любушин Н.П. Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 359с. Очилов И.К., Азларов Д.Х., Авлоқулов А.З. Молиявий ҳисоб – 2. Ўқув қўлланма // – Т.: Тошкент молия институти, 2004. 328 б., 77-80 б.; Очилов И.К., Қурбонбоев Ж.Э. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007. 488., 278-281 б.; Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учеб.-практ. пособие. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. – 552 с., 146 стр.; Лытнева Н. А., Малявкина Л. И., Федорова Т. В. Бухгалтерский учет: Учебник. — М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006.— 496 с., 113 стр.

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Меъёрланмайдиган жорий активлар булар миқдори одатда чегараланмайдиган маблағлар, масалан, сётлардаги пул маблағлари, сотилган товарлар ва бошқалар. Хўжалик юритувчи субъектлар ушбу маблағларни савдо кредитлаш ва ҳисоблашишлар тизими орқали бошқариши ҳамда уларнинг ҳажмига таъсир кўрсатиши мумкин.

Жорий активлар меъёри деганда корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини бир маромда амалга ошириш учун доимий зарур бўлган жорий активларнинг минимал режалаштирилган миқдорини тушуниш лозим. Жорий активлар меъёри уларнинг умумий миқдорининг меъёри ва алоҳида жорий актив меъёри тушунчаларига ажратилиши мумкин.

Режалаштирилаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари сметаси жорий активларни меъёрлаштириш учун асос ҳисобланади.

Меъёрни аниқлаш мақсадида меъёрлаштириладиган элементларнинг кунлик ўртача сарфининг пул кўринишидаги миқдори олинади. Ишлаб чиқариш захиралари бўйича ўртача сарф ишлаб чиқариш харажатлари режасининг тегишли моддалари бўйича ҳисобланади.

Захира меъёри бирор - бир базага нисбатан фоиз сифатида ёки пул ифодасида белгиланиши мумкин. Товар-моддий захираларнинг бу тури бўйича белгиланган захира ва харажат меъёридан келиб чиқиб, ҳар бир жорий активлар захиралари меъёрини шакллантириш учун зарур бўлган айланма маблағлар суммаси аниқланади.

Алоҳида жорий активлар меъёрларини жамлаш орқали умумий меъёр аниқланади. Шундай қилиб, жорий активлар меъёри бу корхонанинг нормал хўжалик фаолиятини энг кам миқдорда таъминлаш учун режалаштири-лаётган товар моддий захираларнинг пул кўринишида ифодаланишидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигига жорий активларнинг таркиби таъсирини таҳлил қилиш мақсадида, уларни кўйидаги белгилар бўйича туркумлаш тавсия қилинади:

салмоғининг оширилиши соф фойданинг камайишига олиб келувчи моддий жорий активлар (материал захиралари, омбордаги тайёр маҳсулот);


салмоғининг оширилиши соф фойданинг ошишига олиб келувчи молиявий жорий активлар («нормал» дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий инвестициялар).

Жорий активларни режалаштириш нуқтаи назаридан, бизнинг фикримизча, таснифга уларнинг «асосланган» (меъёрдаги) ва асосланмаган (ортиқча ва етарли бўлмаган) жорий активларга тақсимлаш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Жорий активлар турларининг кўплиги уларни бошқариш вазибаларининг мураккаблигини белгилаб беради. Жорий активларни бошқариш жараёни уларнинг таркиби ва тузилиши, уларга бўлган эҳтиёжни умумий ва алоҳида режалаштириш, уларнинг шакллантириш манбаларини аниқлаш, шунингдек жорий активларни таҳлил ва назорат қилиш бўйича оператив ишларни ўз ичига олади.

Жорий активлардан самарали фойдаланиш юқорида санаб ўтилган барча масалаларни такомиллаштириш орқали эришилади. Жорий активлар ҳисоби

билан боғлиқ масалалар корхона томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатининг «жорий активларни бошқариш бўлими»да акс эттирилиши лозим.



2-расм. Жорий активларнинг асосланганлик даражаси бўйича туркумланиши⁹

Жорий активларнинг етарли ҳажми ва таркибини шакллантириш ҳамда уларнинг молиялаштириш манбалари таркибини оптималлаштириш масалалари аниқ белгилаб берилиши лозим.

«Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналар 2015-2019 йиллардаги узоқ муддатли ва жорий активларининг таркиби ва динамикасини кузатиб чиқадиган бўлсак, унда 2015 йил жами активлар таркибида жорий активларнинг улуши 91,2 фоиз, 2019 йилда 86,1 фоизни ташкил этган. Узоқ муддатли активлар улуши 2015 йил 8,8 фоиз, 2019 йил 13,9 фоизни ташкил этган. Тармоқда 2017 йилдан бошлаб технологик жараёнлар босқичма босқич янгиланганини кузатиш мумкин. 2015 йилдан сўнг инвестиция сиёсати ҳам сезиларли даражада ўзгарган. Товар-моддий захираларининг ҳажми 2019 йил 2015 йилга нисбатан 33,1 фоизга ортган, бироқ жами активлар таркибидаги улуши 2015 йилда 39,9 фоизни 2019 йил 24,0 фоизни ташкил этган. Тармоқда инвестициялар модернизация қилиш жараёнига қаратилганлиги сабабли узоқ муддатли активлар салмоғи ортиши натижасида жорий активлар салмоғи 5,1 фоизга камайган (1-жадвал).

Диссертациянинг «**Жорий активларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобда донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари моддий ресурслари учун масъулият марказлари тизимини жорий қилиш, ҳамда муомала соҳасидаги жорий активларни ҳисобда акс эттиришни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Жорий активларнинг яна бир элементи дебиторлик қарзи бўлиб, у товар олди-сотди битими ва унинг тўлови ўртасида юзага келадиган вақт натижасида ҳосил бўлади. Дебиторлик қарзи асосан мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобларни товар, хизмат ва ишларни қабул қилган кунда тўлов амалга оширилмаган барча ҳолатларни ўз ичига олади.

⁹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

1- жадвал

«Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналар узоқ муддатли ва жорий активларининг таркиби ва динамикаси¹

| Активлар | 31.12.2015 й. | | 31.12.2016 й. | | 31.12.2017 й. | | 31.12.2018й. | | 31.12.2.19 й. | | Ўзгариш (+;-) | |
|--|------------------|--------------|--------------------|-------------|-------------------------|-------------|-------------------------|-------------|-------------------|--------------|------------------|-------------|
| | минг сўм | % | минг сўм | % | минг сўм | % | минг сўм | % | минг сўм | % | минг сўм | % |
| УЗОҚМУДДАТЛИ АКТИВЛАР | | | | | | | | | | | | |
| Асосий воситалар (қолдик сумма) | 299 896,9 | 5,8 | 335 509,6 | 5,1 | 421 932,0 ⁴⁾ | 4,9 | 564 885,0 ⁴⁾ | 5,9 | 562762.5 | 5,3 | 262865,6 | 88 |
| Номоддий активлар (қолдик сумма) | 661,4 | 0,0 | 614,3 | 0,0 | 910,1 ⁴⁾ | 0,0 | 665,9 ⁴⁾ | 0,0 | 838.9 | 0,0 | 177,5 | 26,8 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 63 129,4 | 1,3 | 664 806,9 | 10,0 | 675997.8 | 7,8 | 728658.2 | 7,6 | 773290.4 | 7,3 | 710161,0 | 25 |
| Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар | 10 735,8 | 0,2 | 10 810,0 | 0,2 | 13478.5 | 0,2 | 16970.9 | 0,2 | 17255.8 | 0,1 | 6520,0 | 61 |
| Капитал қўйилмалар | 30 477,5 | 0,6 | 44 488,8 | 0,7 | 51775.8 | 0,6 | 55224.9 | 0,6 | 56789.5 | 0,5 | 26372,0 | 86,3 |
| Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва кечиктирилган харажатлар | 50 578,8 | 1,0 | 51 109,5 | 0,7 | 52880.5 | 0,6 | 58904.2 | 0,6 | 57900.4 | 0,5 | 7321,6 | 14,5 |
| Жами узоқ муддатли активлар | 455 479,8 | 8,8 | 1 107 339,1 | 16,7 | 1216974.7 | 14 | 1425309.1 | 14,9 | 1468837.5 | 13,9 | 1013357,7 | 222 |
| ЖОРИЙ АКТИВЛАР | | | | | | | | | | | | |
| Товар-моддий захиралар шундан: | 1878256,9 | 39,9 | 2 090 874,2 | 31,5 | 2101840.4 | 24,2 | 2358804.2 | 24,7 | 2500429.5 | 24,0 | 622172,6 | 33,1 |
| - ишлаб чиқариш захиралари | 1760386,2 | 37,4 | 1 966 986,3 | 29,6 | 1964981.1 | 22,6 | 2184003.6 | 22,9 | 2303026.5 | 21,7 | 542640,3 | 30,8 |
| - тугалланмаган ишлаб чиқариш | 1 364,5 | 0,0 | 2 420,2 | 0,0 | 1643.7 | 0,0 | 5274.1 | 0,1 | 6287.1 | 0,0 | 4922,6 | 60,8 |
| - тайёр маҳсулотлар | 33 382,6 | 0,7 | 42 982,8 | 0,6 | 51016.9 ¹⁾ | 0,6 | 78228.6 ¹⁾ | 0,8 | 92550.3 | 0,9 | 59167,7 | 77,2 |
| - товарлар | 83 123,6 | 1,8 | 78 484,9 | 1,2 | 72690.2 | 0,9 | 79188.9 | 0,8 | 84559.0 | 0,8 | 1435,4 | 1,7 |
| Келгуси давр харажатлари | 8 087,9 | 0,2 | 10 050,6 | 0,2 | 11304.2 | 0,1 | 11780.9 | 0,1 | 13726.7 | 0,1 | 5638,8 | 69,7 |
| Кечиктирилган харажатлар | 391,8 | 0,0 | 1 895,5 | 0,03 | 2045.3 | 0,0 | 328.1 | 0,0 | 279.9 | 0,0 | -111,9 | 71,4 |
| Пул маблағлари – жами | 30 844,7 | 0,66 | 24 646,4 | 0,4 | 27970.3 | 0,3 | 25870.2 | 0,3 | 30680.5 | 0,3 | -164,2 | 99,5 |
| шундан: - касса | 18,2 | 0,00 | 25,9 | 0,0 | 44 069,0 | 0,0 | 15.7 | 0,0 | 27.2 | 0,0 | 9,0 | 49,4 |
| - ҳисоб-китоб счёти | 1 423,2 | 0,03 | 1 222,8 | 0,0 | 1804.5 | 0,0 | 1780.4 | 0,0 | 2504.7 | 0,0 | 1081,5 | 75,9 |
| - чет эл валютаси | 4 259,9 | 0,09 | 5 502,7 | 0,1 | 8785.2 | 0,1 | 6200.9 | 0,1 | 6230.4 | 0,1 | 1970,5 | 46,2 |
| -бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари | 25 143,4 | 0,53 | 17 895,0 | 0,3 | 21478.9 | 0,2 | 21789.3 | 0,2 | 21340.6 | 0,2 | -3802,8 | 84,9 |
| Дебиторлар | 1092183,3 | 23,23 | 1 348 826,0 | 20,3 | 1111854.6 | 12,8 | 1248307.3 | 13,4 | 1947891.6 | 18,4 | 855708,3 | 78,3 |
| Қисқа муддатли инвестициялар | 1676169,6 | 35,66 | 2 032 010,6 | 31,0 | 2081997.3 | 23,9 | 2082006.9 | 21,8 | 2092113.4 | 19,8 | 415943,8 | 24,8 |
| Бошқа активлар | 15 021,8 | 0,32 | 18 768,7 | 0,3 | 16996.1 | 0,2 | 19704.2 | 0,2 | 21203.9 | 0,2 | 6182,1 | 41,2 |
| Жами жорий активлар | 4700956,0 | 91,2 | 5 527 072,0 | 83,3 | 7476435.5 | 86,0 | 8123283,3 | 85,1 | 9122851,3 | 86,1 | 4421895,3 | 94 |
| Баланс активи бўйича жами | 5156435,8 | 100 | 6 634 411,1 | 100 | 8693410.2 | 100 | 9548592.4 | 100 | 10591688.8 | 100,0 | 5435253,0 | |

¹ «Ўздонмахсулот» АК молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тузилган

Дебиторлар корхона пул маблағларининг ҳаракатини сушлаштириши боис дебиторлик қарзлари молиявий активларнинг энг паст ликвидли қисми ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида қарздорликни баҳолаш усуллари даргумон қарзларнинг мазмунини аниқлашга асосланган. Даргумон қарз - бу корхонанинг шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган дебиторлик қарздорлиги бўлиб, тегишли кафолатлар билан таъминланмаган. Ушбу захиралар 4910- «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти бўйича сарфланган дебитор қарздорлик фондлари асосида тузилади. Захира миқдори қарздорнинг молиявий аҳволига ва қарзни тўлаш эҳтимолини тўлиқ ёки қисман баҳолашга қараб аниқланади. Қарздорнинг тўлаш қобилияти бўлмаса қарз бекор қилинади ва бу балансдан ташқари счётада акс эттирилади (007- счёта «Иқтисодий ночор қарздорларнинг ҳисобдан чиқарилган қарзлари»). Бу қарз қарздорнинг мулкӣ аҳволида ўзгаришлар бўлиши ва унинг тўлов қобилиятини қайта тикланишини назорат қилиш учун бекор қилинган кундан бошлаб беш йил давомида балансда ҳисобга олиниши лозим.

МҲХСда резерв яратиш учун бухгалтерия балансида (1-шакл) «Даргумон қарзлар бўйича резерв» (ингл. Allowance for Uncollectible Accounts) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-шакл) «Умидсиз дебиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш харажатлари» счёти (ингл. Uncollectible Accounts Expense) дан фойдаланилади.

Халқаро тажрибага мувофиқ даргумон қарзлар учун резерв яратишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш ва уларни ҳисоб сиёсатида акс эттириш мақсадга мувофиқ:

1. Интервал усули.
2. Экспертлар усули.
3. Статистик усул.

1. Интервал усули. Резервга ажратмалар миқдори кечикиш муддатига кўра қарз миқдори фоиз ставкаси сифатида ҳар чоракда (ойлик) ҳисобланади. Яъни ҳар бир даргумон қарз бўйича резерв учун ажратилган маблағлар кечикиш даври билан мутаносибдир.

Резервни шу тарзда ҳисоблаш учун қуйидаги алгоритмни қўллаш тавсия этилади (2-жадвал):

2-жадвал

Резервни ҳисоблаш алгоритми (тартиби)

| Мажбуриятларни бажармаслик муддати, кунлар | Ҳаракатлар |
|--|------------------------------|
| 45 кундан кам | Яратмаслик |
| 45 дан 90 кунгача | Қарз миқдоридан 50 % ҳажмида |
| 90 дан ортиқ | Қарзнинг тўлиқ миқдорига |

Интервал ёки эксперт усули қўлланилганда қуйидаги вариантларни танлаш мумкин:

агар резерв яратилган қарзлар умидсиз деб топилса, у резервдаги маблағлар ҳисобидан қопланади. Агар резервда пул маблағлари етарли бўлмаса, резерв ҳисобидан қопланмаган қарз суммаси бошқа операцион харажатларга ҳисобдан чиқарилади;

агар резерв қарзни қопласа, резерв миқдори тикланади, яъни бошқа операцион даромадларга киритилади.

Даргумон қарзлар бўйича резервлар улар яратилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшилганда, 4910 – «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти дебети ва 9390 – «Бошқа операцион даромадлар» счёти кредити бўйича акс эттирилиши керак.

Республикада бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётида даргумон қарзлар бўйича резервлар шакллантириш тартиби белгиланмаган.

Даргумон қарзлар бўйича резервларни шакллантиришда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- 1) нетто реализация (сотишдан тушган соф тушум) суммасидан фоиз;
- 2) тўлов муддатини ҳисобга олинган ҳолда даргумон қарзлар фоизи;
- 3) ўтган фаолият таҳлили асосида умумий қарзларга нисбатан фоиз.

Даргумон қарзлар бўйича резервларни нафақат сотилган маҳсулотлар бўйича дебиторлик қарзларига, балки қарздорнинг молиявий аҳволдан келиб чиқиб берилган қарзлар бўйича ҳам ҳисоблаш молиявий ҳисобот шаффофлигини оширади.

Халқаро амалиётида улушли қимматли қоғозлар ва мажбуриятларнинг олди-сотди муомалалари кенг тарқалган. Иқтисодий либераллаштириш бундай муомалаларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда батафсил акс эттириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Шу боис, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда 5800-«Қисқа муддатли инвестициялар» счётига қуйидаги қўшимча счётлар очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

5810-«Улушли қимматли қоғозларга қўйилмалар»;

5811-«Савдо учун мўлжалланган улушли қимматли қоғозлар»;

5812-«Сотиш учун мўлжалланган улушли қимматли қоғозлар»;

5820-«Улушли мажбуриятларга қўйилмалар»;

5821-«Савдо қилиш учун мўлжалланган улушли мажбуриятларга қўйилмалар»;

5822-«Қопланиш муддатигача ушлаб туриладиган улушли мажбуриятларга қўйилмалар»;

5823-«Улушли мажбуриятларга конвертация қилинадиган, сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар».

Бунда қарзларни ундириш ҳуқуқини бошқага бериш, ҳамда уларни инфляция коэффициенти бўйича қайта баҳолаш, уларни сотганда тақдим қилинадиган чегирмаларни инобатга олиш зарур.

Жорий активлар бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини ва узлуксизлигини таъминлаш учун муҳимдир. Жорий активлар миқдорининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) қисқа муддатли пассивлар ўзгаришига (қисқа муддатли қарзларнинг ошиши ёки камайишига) олиб келади. Шу боис, ушбу иккита ҳисоб объект и соф айланма капитални бошқариш сиёсати доирасида биргаликда кўриб чиқилади ва соф активлар деганда жорий активлар билан қисқа муддатли пассивлар орасидаги фарқ тушунилади. Корхона фойдасини максималлаштириш учун жорий активлар миқдорини

белгилаш, фойдаланиш самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш усулларида фойдаланиш зарур. Шу муносабат билан корхонанинг операцион фаолиятида мавжуд бўлган жорий активлардан фойдаланишнинг қуйидаги тўрт босқичли таҳлил методикаси тавсия қилинди (3-жадвал).

3- жадвал

Корхонанинг операцион фаолиятида мавжуд жорий активлардан фойдаланиш таҳлилининг босқичлари¹

| Таҳлил босқичлари | Таҳлил методикаси | Ҳисоблаш тартиби |
|---|---|--|
| Биринчи босқич | <ul style="list-style-type: none"> • корхона операцион фаолиятида фойдаланиладиган жорий активларнинг умумий ҳажмининг динамикаси кўриб чиқилади; • уларнинг ўртача миқдорининг ўзгариш суръати маҳсулот реализацияси миқдори ҳамда жами операцион капитал ўртача миқдорининг ўзгариши билан солиштирилади; • корхона жорий активлари салмоғининг динамикаси ўрганилади. | <p>Жорий активлар салмоғи</p> $\frac{\text{жорий активлар}}{\text{Баланс валютаси}} * 100$ |
| Иккинчи босқич | <ul style="list-style-type: none"> • корхона жорий активлари таркибининг динамикаси унинг асосий турлари – хом ашё, материаллар ва яримфабрикатлар, тайёр маҳсулот захиралари, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари қолдиги кесимида ўрганилади; • Ҳар бир жорий активлар суммасининг ўзгариши темпи ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси ҳажмининг ўзгариши темпи билан солиштириш орқали ҳисобланади ва таҳлил қилинади; • жорий активлар асосий турлари бўйича улар умумий суммасига нисбатан салмоғи динамикаси ўрганилади. Корхона жорий активларнинг таркибини уларнинг турлари бўйича таҳлил қилиш ликвидлик даражасини баҳолаш имконини беради. | <p>Жорий актив турининг салмоғи</p> $\frac{\text{жорий активлар тури}}{\text{Жорий активлар}} * 100$ |
| Учинчи босқич | <ul style="list-style-type: none"> • жорий активлар умумий ва айрим турларининг айланувчанлиги ўрганилади; • корхонанинг умумий давомийлиги, операцион, ишлаб чиқариш ва молиявий цикллари белгилаб олинади; • ушбу цикллارнинг давомийлигини белгиловчи асосий омиллар таҳлил қилинади; • жорий активлар билан таъминланганлик коэффициенти топилади ва уларнинг айланувчанлиги натижасида олинadиган иқтисодий самара миқдори ҳисоб китоб қилинади. | <p>Айланувчанлиги:</p> $\frac{\text{Сотилган маҳсулот}}{\text{даврдаги материаллар}} * 100$ <p>ўртача захираси</p> <p>Айланувчанлик даври:</p> $\frac{\text{даврдаги материаллар}}{\text{ўртача захираси}} * 100$ <p>сотилган маҳсулот/кун</p> <p>Таъминланганлик коэффициенти (Кт):</p> $\frac{\text{жорий активлар}}{\text{сотишдан тушум}}$ <p>Самара = Кт*Сотишдан тушум</p> |
| Тўртинчи босқич | <ul style="list-style-type: none"> • жорий активлар рентабеллиги аниқланади, унга таъсир кўрсатувчи омиллари таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида жорий активлар рентабеллиги коэффициентидан фойдаланилади. | <p>Жорий активлар рентабеллиги</p> $\frac{\text{Соф фойда}}{\text{жорий активлар}}$ |
| <p>Ўтказилган таҳлил натижалари корхона жорий активларини бошқариш самарадорлигининг умумий даражасини аниқлаш ва келгусида самарадорликни оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради.</p> | | |

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлил жараёнида энг муҳими бу моддий ресурслар захираларининг ҳақиқий ҳажмини тартибга солиш билан мувофиқлигини текширишдир. Бунинг учун ноёб материалларнинг ҳақиқий мавжудлиги ва уларнинг ўртача кунлик харажатлари тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, кунлик материалларни ҳақиқий тақдим этиш аниқланади ва уларнинг нормативлари билан солиштирилади. Акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига активларнинг даромадлиги коэффиценти -ROA (Return On Assets); шу жумладан жорий активларнинг даромадлиги коэффицентларини, P/E (Price/ Earnings Multiple) (баҳо/фойда кўрсаткичи ва Market-To-Book Value (акция бозор баҳосининг, унинг бошлангич қийматига нисбати) коэффицентларини қўшиш мақсадга мувофиқ. Халқаро амалиётда ушбу кўрсаткичлар кенг тарқалган.

«Жорий активлар таҳлилининг услубий жиҳатлари ва уларни аудитда қўллашни такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобда жорий активлар таҳлилининг услубий жиҳатларини ривожлантириш ва аудитда қўллаш ҳамда аудитининг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

«Ўздонмаҳсулот» АКда контрактация бўлими томонидан материалларнинг кунлик ўртача меъёри, ўртача миқдори режалаштирилади ва ишлаб чиқилиб, корхона бош муҳандиси томонидан тасдиқланади.

Бундай моддий ресурслар захираларининг ҳолатини ўрганиш уларнинг зарур ва ортиқчасини аниқлаш учун амалга оширилади. Улар даромад ва харажатларни омборхона ҳисобининг маълумотлари билан таққосланиб аниқланиши мумкин.

